O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
2 APREL
SESHANBA
№ 42 (26.901)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.





Истиқлол ўз истеъдодларини кашф этмокда. Янги замон илм масканлари озодлик фарзандларини ўз бағрига олмокда. Бутун оламни яшнатишга, бунёд этишга қодир ёшлик — эзгулик манзиллари томон дадил одимламокда.

Мамлакат умиди, миллат таянчи бўлган ёшлар таълим олаётган коллеж, лицейларда келажак қудрати, мўъжизалари намоён бўлмоқда. Эртанинг долғали қадамлари, озодлик овози, акс-садоси жаҳон бўйлаб янграмокда.

Аждодларимизга муносиб ворислик, Ватанга, Юртбошига садоқат, илму фанга бўлган иштиёқ ва эҳтиром ҳозирги замон ёшларининг беғубор орзу ва мақсадидир.

Мамлакатимизнинг сўлим гўшаларидан бири Боёвут туманида яна бир янги ўқув маскани — саноат касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсата бошлади.

Энди Боёвут коллежида йигит-қизлар саноат машина ускуналари таъмири, пахта толасини ишлаш, юк ташиш, бухгалтерия, тикувчилик каби илм сирларини ўрганадилар.

Билим даргоҳи Жанубий Кореядан келтирилган замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган.

Эндиги вазифа эса аъло ўқиб, мустақил Ватанимиз номини бутун жаҳонга кўрсатишдир.

✧✧✧

Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар

■ **Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ПУЛ МАССАСИ ЎСИШИНИ ЧЕКЛАШ ВА МОЛИЯ ИНТИЗОМИГА РИОЯ ЭТИШ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Пул массасини бошқаришни такомиллаштириш, банкдан ташқари айланмани кискартириш, молия интизомига риоя этиш ва олинган кредитларни ўз вактида қайтариш масъулиятини ошириш максадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2002 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларини муомалага чиқариш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгиланснки:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигациялари давлат қимматли қоғозлари ҳисобланади ва юридик ҳамда жисмоний шахслар ўртасида жойлаштирилади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларининг ликвидлиги Марказий банк тасарруфидаги барча активлар билан таъминланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

Марказий банк облигацияларини чиқаришнинг асосий шартларини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда тегишли норматив-методик ҳужжатларни белгиланган тартибда тасдиқласин;

пул массасини тезкор бошқариш мақсадида валюта ва пул депозитлари, давлат қимматли қоғозлари ва бошқа биринчи тоифали активлар таъминоти остида, пул бозорида вужудга келаётган фоиз ставкалари асосида тижорат банкларига уч ойгача бўлган муддатга кредитлар берсин ва жалб қилсин.

3. Ўзбекистон Банклар уюшмаси, тижорат банкларининг пластик карточкалар бўйича миллий ва хорижий валютада ҳисоб-китоблар ўтказишни таъминловчи Ягона банклараро процессинг марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Тижорат банклари пластик карточкалар воситасида ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган банкоматлар ва жиҳозларни импорт қилишда божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан 2005 йил 1 январгача озод қилинсин.

4. Тижорат банклари:

маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда иш ҳақи тўлашда, чакана савдони амалга оширишда, коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловда якка тартибдаги ва корпоратив пластик карточкаларни кенг жорий этиш, аҳолига хизмат кўрсатувчи мини-банклар, банк кассалари ва банкоматлар тармоғини кенгайтириш чора-тадбирларини кўрсин;

ликвидли мол-мулкларни, шу жумладан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини, транспорт воситаларини ҳамда корхона ва ташкилотларнинг бошқа ликвидли активларини гаровга қўйган ҳолда кредитлар бериш амалиётини кенгайтирсин;

кредитлар беришда тавакалчиликни ва гаровнинг бозор қийматини пухта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда қайтаришлик, муддатлилик ва ўзини ўзи қоплаш тамойилларига қатъий риоя қилсин;

кредитлар муддатини узайтириш амалиётини кескин чекласин, фақат кечиктирилган муддат даврида қайтарилиши учун маблағлар тушишининг аниқ манбалари бўлган кредитларнинг тўлов муддатини кечиктиришга рухсат берсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кредит бўйича уларнинг мажбуриятлари ўз вақтида бажарилмаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулк, қарз олувчининг розилигидан қатъи назар, кейинчалик сотиш ҳуқуқи билан банк мулкига ўтади.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кредитлар бўйича қарзлар ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда тижорат банкларига:

қарздорларнинг иккиламчи ҳисоб рақамига, шу жумладан уларнинг бошқа банкларда очилган иккиламчи ҳисоб рақамига ижро этилиши мажбурий бўлган инкассо талаблари қўйиш;

Ҳукумат кафолати остида берилган кредитларга ўз вақтида хизмат кўрсатиш учун пул маблағларини ҳисобдан чиқаришни иш ҳақи, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар навбати билан ўтказилгандан сўнг амалга ошириш;

қарздорнинг пул маблағлари етишмаган тақдирда кредит бўйича қарзларни қарздорнинг розилигига кўра унинг ликвидли мол-мулки ҳисобидан ёки хўжалик суди орқали қарздорнинг мол-мулкига қаратиш йўли билан ундириш ҳуқуқи берилсин.

(Давоми 2-бетда)

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 2002 йил 4 апрель куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 3 апрель куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАР БЛОКЛАРИ ТАРКИБИГА КИРАДИГАН ДЕПУТАТЛАР ДИҚҚАТИГА

Олий Мажлисда 2 апрель куни соат 15.00 да «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Фидокорлар миллий демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 2 апрель куни соат 17.00 да бўлади.

Олий Мажлисда 3 апрель куни соат 11.30 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки, соат 14.30 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

«ИНТЕРФУД ЎЗБЕКИСТОН — 2002»

Эртага Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасининг «Биллур» залида очиладиган «Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, қадоқлаш ва ишлаб чиқариш технологияси» — «Интерфуд Ўзбекистон — 2002» халқаро кўргазмаси бошланади. Иккинчи бор ўтказилаётган ушбу кўргазмани Буюк Британиянинг ITE Group PLC компанияси ва унинг Ўзбекистондаги ҳамкори Itesla-Osiyo компанияси ташкил этган.

Лойиҳада жаҳоннинг 12 мамлакатидан 30 дан зиёд компания иштирок этади. Унда кўплаб хорижий компаниялар қатнашаётганлиги Ўзбекистон маҳсулотлари жаҳон бозорига чиқишига янада кенг имконият яратади. Кўргазма 5 апрелгача давом этади.

■ **(Ўз мухбиримиз)**

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

Ўз аждодлари, халқи, Ватани тарихини билмаган одам ожиз бўлади. У ҳеч нарса билан фахрлана олмайди, ғурурлана олмайди. Ҳаёт синовларига дуч келганда суянадиган, қувват оладиган манбаси бўлмайди. Кимларнинг, қайси сулоланинг вориси эканлигини, туғилиб ўсган ери қандай юрт эканлигини билмаган одамнинг иродаси ҳам мўрт бўлади. Шунинг учун ҳам яқин ўтмишда бизни буюк тарихимиздан, миллий маданиятимиздан, аждодларимиздан ажратиб ташлашга уринишди. Чунки, тарихимизни, ўзлигимизни билмаслик, мутеликка тезроқ кўникишга олиб келарди.

Истиқлол туфайли тарихимиз, миллий анъаналаримиз тикланмокда. Тарихимизнинг таъқиқланган саҳифалари очилди. Кўпдан-кўп илмий, ҳужжатли ва бадиий китоблар нашр этилмокда. Аммо Ватанимизнинг ҳар бир қаричи сирли синоатларга, тарихий ёдгорликларга, муқаддас жойларга бой. Табиийки, биз уларнинг кўпларидан ҳали бехабармиз. Биз айрим ноёб, тарихий бинолар ёнидан бепарво ўтамиз. Қишлоғимиз, маҳалламиз, туман ёки шаҳримиздаги муқаддас тарихий жойнинг, иморатнинг қадрини билмаймиз. Билмаганимиз учун бепарвомиз, билмаганимиз учун ундан фахрлана олмаймиз.

Мамлакатимиз тарихини ўрганиш, халқимизга ўзлигини англатиш, ёшларимизда ўз Ватани, ўз халқи тарихидан фахр-ифтихор қилиш туйғуларини кучайтириш ишларига ҳисса қўшиш мақсадида газетамизда «Биз билган ва билмаган тарих» рукнини изчил давом эттиришга қарор қилдик.

Ушбу рукн остида узоқ ва яқин ўтмишда қад ростлаган тарихий бинолар, воқеа-ҳодисалар, муқаддас жойлар ҳақида ҳикоя қилиб борамиз. Барча ижодкорларни, мутахассисларни, тарихчи олимларни ҳамкорликка чақирамиз. Энг яхши мақолаларни ҳар йили тўплаб, «Ўзбекистон овози» кутубхонаси туркумида нашр эттириб борамиз.

Бугун ушбу мақсад йўлидаги дастлабки мақоламиз Тошкент Куранти тарихига бағишлангани рамзий маънога эга. Тошкент — пойтахт, Курант — пойтахтимиз рамзи, юраги. Курант — вақт белгиси, ўлчови. Ўтган ҳар дақиқа, соат, кун, ой, йил — бу тарих, сизу бизнинг, юртимизнинг тарихи. Ҳозирги ва келгуси авлодлар билиши ҳам қарз, ҳам фарз бўлган тарих!

ТОШКЕНТ КУРАНТИ



Ер юзида бири-биридан гўзал шаҳар, бири-биридан гўзал бинолар кўп. Лекин барча давлатларнинг пойтахтида каттами, кичикроқми курант бор. Ҳатто, пойтахт мақомини олмаган кўпгина шаҳарлар ҳам ўз курантига эга. Дунё миқёсидаги курантларни ўша шаҳарларнинг уриб турган юраги деб таърифлашади. Хўш, ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, Курантлар нега қурилади ўзи?

Биринчидан, улар давлатлар маркази — пойтахтда қад ростлайди. Иккинчидан, мамлакатда вақтни аниқ белгилаб берувчи бош соат ҳисобланади. Учинчидан, ҳаёт ва тирикликнинг бардавомлигини ифодаловчи рамзий тимсол сифатида қабул қилинган. Тўртинчидан, улкан шаҳарларнинг мавқе ва мартабаси мисолида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Курантлар бир сония бўлсин хато юрмаслиги, «янглишмаслиги» керак. Мамлакатлардаги барча соатлар курантлар милига қараб тўғриланиши русм бўлган. Шунинг учун ҳам курант соатлари ҳаракати ер шари ҳаракати билан чамбарчас боғлиқ, деган талқин мавжуд.

Ҳар бир шаҳарнинг ўз тақдири, тарихи бўлганидек, Курантларнинг ҳам ўзига хос тарихи бор. Пойтахтимиз кўрки бўлган ҳамда ўз тарихи ва тақдирига эга Тошкент КУРАНТи ҳақида нима биламиз?

(Давоми 2-бетда)

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

ХОРАЗМЧА «ИЖРО» УСУЛИ

ЁКИ ЎН ЙИЛДА БАЖАРИЛМАГАН ҚАРОР ВА БУ ҚАРОРНИ БАЖАРИШ ҲАҚИДА ЯНГИ ҚАРОР

Маълумки, катта-кичик барча сув йўллари қадим-қадимдан қатъий назорат остига олинган, тоза ва озода сақланган. Фақат мустабидлик йилларида сувга бешафқат муносабат авж олди. Натижада сув манбаларига катта зиён етди.

Мустақиллик даврида эса хукуматимиз томонидан сув йўллари, манбаларига эътибор кучайтирилди. 1992 йил 7 апрелдаги 174-сонли қарор шу мавзуда. Қарорга кўра «Ўзбекистон Республикасида сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек ичимлик сув ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг, сувни муҳофаза қилиш зоналари тўғрисида» Низом тасдиқланганди.

Ушбу Низомга кўра, сув манбаларининг муҳофаза зоналарини белгилаш ва бошқа зарур тадбирларни амалга ошириш икки босқичда ўтказилиши белгиланган. Биринчи босқичда: ҳимоя минтақаси ва муҳофаза зонаси белгиланади, сув манбасининг паспорти тузилади. Иккинчи босқичда эса мазкур белгиланган зонада тақиқ қилинган ишлар қатъий назоратга олинади.

Муддаомизни содда қилиб айтсак, сув ҳавзаларининг маълум муҳофаза зонаси белгиланиб, паспорти тузилгач, ҳокимлик тасдиғидан, экспертизадан ўтказилган ана шу зонани назоратга олишга масъул бўлган табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва бошқа назорат органлари ҳуқуқий мақом эгаси бўла оладилар. Акс ҳолда сув ҳавзалари муҳофаза зонасининг маълум эгаси бўлмайди. Оқибатда истаган ташкилот, хўжаликлар бу ерда кўнглига келган ишни қилиши, тақиқланаётган органик ўғитлар қўллаш, иншоотлар қуриши... сувни ифлослантириши мумкин.

Орадан роса ўн йил ўтди. Хўш, қарор ижроси юзасидан нима ишлар қилинди?

Ўтган даврда Туямўйин сув омбори, чап қирғоқ Туямўйин каналининг паспорти ишланди. Ёки «Упрадик» бошқармаси тасарруфида бўлган 14 та каналдан еттитасининг паспорти лойиҳалари тайёрланди. Аммо ҳалиям ҳокимлик тасдиғидан ўтказилгани йўқ. Коллекторлар ҳақида сўз юритиш ортиқча.

Мазкур қарордан сўнг сув каналлари ва коллекторлар атрофидаги муҳофаза зоналари ҳудуди хўжаликлар ихтиёрига берилганди. Эндиликда хўжаликлар бу ерларда турли экинлар экишмокда, табиийки бу экинларга органик ўғитлар ишлатилаётир, ҳатто пестицидлар қўлланилмокда. Истаймизми-йўқми ана шу ўғит-пестицидлар оқова сув таркибида ёки ер остидан сизиб сув ҳавзаларига тушмокда.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ПУЛ МАССАСИ ЎСИШИНИ ЧЕКЛАШ ВА МОЛИЯ ИНТИЗОМИГА РИОЯ ЭТИШ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди банк кредитлари бўйича қарзлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда ундиришни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

6. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари зиммасига кредит ресурслари ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш ва амалга ошириш бўйича қонунчилик талабларига риоя этилиши ҳамда қарз маблағларининг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда Молия вазирлиги томонидан тижорат банклари кредитларининг таъминоти учун берилган кафолатларни бажариш механизми тўғрисидаги Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

аҳолининг банклардаги омонатларини кафолатлашнинг ягона шартларини шакллантириш ва банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида янги ташкил этилаётган хусусий тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдорига бўлган талабни 1,25 млн. АҚШ долларининг сўмдаги эквиваленти ҳажмида белгиласин;

2002 йилнинг 1 июнидан бошлаб тижорат банклари томонидан ўз маблағларини ва жалб этилган маблағларни ички активларга жойлаштириш миқдори тўланган устав капитали ва банкнинг ички мажбуриятлари миқдоридан кам бўлмаслиги тўғрисидаги талабни жорий этсин.

8. Хўжалик юритувчи субъектларга шакллантирилган устав жамғармаси миқдоридан ортиқ бўлмаган ҳажмда ўз облигацияларини чиқариш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2002 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб хўжалик юритувчи субъектларнинг, биринчи навбатда республиканинг молиявий аҳволи барқарор, юқори ликвидли активларга ва катта миқдордаги пул оқимларига эга бўлган йирик корхоналари ва компанияларининг корпоратив облигацияларини чиқариш чора-тадбирларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирликлар ва идоралар нинг норматив ҳужжатлари мазкур Фармонга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

10. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 30 март

ТОШКЕНТ КУРАНТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

1947 йилда иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг икки йиллиги муносабати билан пойтахтимизнинг қоқ марказида Ғалаба монументи қурилиши режалаштирилади. Ёдгорлик икки ой ичида қуриб битказилади. Яъни, ҳозирги курантимиз жойлашган минора қад ростлайди. Ёдгорлик ўша йили Тошкентда қурилган Алишер Навоий номидаги театр биносининг меъморчилик усули таъсирида ишланган. Хуллас, ёдгорлик очилишига саноқли кунлар қолганда бу ерда мутлақо бошқача манзара пайдо бўлади. 1947 йилнинг апрелида ёдгорлик ўрнида Курант ўрнатилади.

1947 йил. 30 апрель. Тошкент аҳли илк бор ўз шаҳрида Курант соати зангини эшитди. Демак, бу йил 30 апрелда Тошкент Куранти роппа-роса 55 ёшга тўлади.

Энди минорага мос тушган маҳобатли соат қаердан олиб келингани ҳақида.

Курант соати Германиядан олиб келинган. Уни 1946 йилда Тошкент шаҳрига Айзенштейн деган ҳарбий киши совға қилган. Айтишларича, у Тошкентда туғилиб ўсганлиги учун бу ноёб тухфани она шаҳрига тақдим этган. Афсуски, ўша пайтда лейтенант унвонида бўлган Айзенштейннинг тақдири ва оила аъзолари ҳақида маълумот тополмадик.

Қисқаси, архивдаги ҳужжатлар, 1946 йилнинг 28 мартида Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси раиси Ҳусаинов ҳамда котиба Мўминова томонидан имзоланган қарор, И.А. Айзенштейнга билдирилган ташаккурнома, бошқа шунга тааллуқли ҳужжатлар курант соатини Айзенштейн олиб келганлигини тасдиқлайди. Бу хусусда аниқлик киритиш учун ўшанда шаҳарнинг бош меъмори бўлган, меҳнат фахрийси, архитектор (ҳозир у киши 95 ёшда) Мидхат Бўлатовга мурожаат қилдик.

— Мен 1940 йилдан 1963 йилгача шаҳарнинг бош меъмори эдим, — дейди у. — Юқорида сиз келтирган фактлар тўппа-тўғри. Лойиҳа муаллифи — Муҳамедшин. У менинг ўринбосарим эди. Ўша пайтлар ҳаётимнинг энг ҳаяжонли даҳиқалари эди. Муҳамедшин ҳақида сўраяпсиз, у анча йиллар олдин раҳматли бўлиб кетган. Хуллас, Тошкент курантининг ҳар занг чалишини эшитсам, умримнинг бир ёруғ куни, ортимиздан яхши из қолаётгани эсимга тушади. Курант икки бора оғир кунни бошидан кечирди. Бу — 1948 ҳамда 1966 йилда содир бўлган ер силкиниши. Ҳар иккала зилзилада ҳам Курант мустаҳкам турди, дарз кетмади, чиройини йўқотмади. Шаҳримиздаги барча гўзал масканлар қатори мен Курантни пойтахтимизнинг энг жозибали гўшаси қолаверса, шаҳарнинг жонли, тирик юраги сифатида эъзозлайман.

... Энди курантнинг шакли-шамойили хусусида. Республика Маданият ишлари вазирлиги Маданият ёдгорликларини илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси Тошкент шаҳар ёдгорликларини сақлаш ва ундан фойдаланиш инспекцияси бошлиғи Муфиза Исматуллаева шундай маълумот беради: курантнинг режадаги ўлчови 23,0х21,8 метр қилиб белгиланган. Минора баландлиги 28,7 метр. Миноранинг ўлчови 4,1х4,1 метр. Минора ичида махсус хона бор. Унда соатни юргизадиган механизм мавжуд. Механизм хонасига минора ичида ўрнатилган зинапоя орқали чиқиб борилади.

Эзгулик ва яхшилик унутилмайди. Бугун мана, неча йиллар ўтиб, Тошкент шаҳрига Курант соатини туҳфа қилган киши ҳамда лойиҳа муаллифи, бу ишга бош-қош бўлган инсонларнинг номини эсладик.

Тошкент Курантининг занги кишини ҳамон уйғоқликка, ҳушёрликка чақириб, ҳаётнинг давомийлигини эслатиб турибди. Курант ҳақида чуқурроқ ўйласангиз, у яна кўп нарсаларни ёдга солади, яна кўп фикрларни уйғотади. Эллик беш йилдан буён кўплаб воқеа-ҳодисалар гувоҳи бўлган КУРАНТ бундан буён ҳам Тошкентимизнинг рамзи, уриб турган юраги, фахру ифтихори бўлиб қолаверади.



■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

БУГУН — ХАЛҚАРО БОЛАЛАР КИТОБИ КУНИ

ШОҲОНА СОВҒА

Болаликнинг дунёси кенг. Улар митти тасаввурларида ўзлари ўқиган китоблардаги эзгуликни излаб, ёвузликни қувлаб эртаклар оламида яшайдилар. Ҳар боланинг юрагида буюк бир салтанат — самимият яшайди.

Дунё болаларини бир нарса — беғуборлик жипслаштириб туради. Жаҳон адабиётининг буюк намояндалари ўзларининг энг сара асарларини уларга бағишлаганлар. Александр Дюма, Сетон Томпсон, ака-ука Гримларнинг китобларини қайта-қайта ўқиганмиз. Айниқса, Ганс Андерсен эртакларисиз болалар адабиёти ғариб бўлиб қоларди. Жаҳон болалари Андерсен туғилган санани Китоб куни сифатида байрам қиладилар.

Дунё тараққиёти юксак чўққига кўтариляпти. Атрофга разм солинг, сайилгоҳ, томошагоҳларда ҳар қадамда турли хил компьютер ўйинлар, мультфильмлар. Телевизорнинг исталган каналида болалар учун дастурлар ғиж-ғиж. Уйда ўтириб дунёнинг Интернет орқали у бурчаги билан «гаплашаверамиз», хуллас компьютер хаёт томирига айланиб қолди.



Лекин барибир китобнинг ўрни бошқача. 5-10 нафар ёшлардан: «Бадиий китоб ўқийсизларми?» деб сўрадим. «Қани ўша китоблар? Мактаб кутубхонасида «бобом замонидан қолган китоблар», бизбоп китоб йўқ-ку? Бозорда-чи, дейсизми, бозорда китоб сотадими? Дарслик, дафтар сотганини кўрганмиз, лекин унақасини эшитмадик», дейишди. Шундан сўнг пойтахтдаги Чорсу, Фарҳод, Паркент, Отчопар бозорларини айландим. Очиғи, бозорда болаларбоп китоблар жуда кам, саноқли. Паркент бозорида китоб сотаётган сотувчидан «болаларбоп китоб» деб сўрасам, қидира-қидира қўлимга... «Н.Крупскаянинг болалиги»ни тутқазди...

Болалар учун китоблар камми? Умуман, болалар адабиётлари чоп этувчи нашриётларда аҳвол қандай? Шундай ўй билан республикамизда ягона, боғча болалари, бошланғич синф ўқувчилари ва ўсмирларга мўлжалланган адабиётлар чоп этишга ихтисослашган «Чўлпон» нашриётида бўлдим. Нашриёт муҳаррири Шоҳида Соатова аҳволни шундай изоҳлади:

— Нашриётимизда босилаётган адабиётлар безакка бойлиги, қоғоз сифати, босма нашр маданияти юқорилиги билан ажралиб туради. Китоблар лотин ва кирилл ёзувлари билан ёнма-ён чоғиштириб бериляпти. Масалан, Т.Каримнинг «Муқаддас «Авесто» изидан», С.Дўсановнинг «Арвона» китобларини айтиш мумкин. Айниқса, М. Қориевнинг «Спитамен», М. Абдукаримовнинг «Мен генерал бўламан», А.Бобомуроднинг «Камолот сари», А. Обидовнинг «Компьютер олами» номли китобларида мустақил юрт тараққиёти, ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва бурчлари ёрқин лавҳаларда ҳикоя қилинади. Болалар адабиётини эртакларсиз тасаввур этиш қийин. Шуни ҳисобга олиб, нашриётимиз «Кенжа ботир», «Асалари қироличаси», «Жамила», «Зар кокилли йигит», «Одилбек билан Хуррамбек», «Сахий билан бахил» каби қатор китобларни чоп этди. Бу йил эса «Рустамхон», «Маликаи айёр», «Орзигул», «Ҳасанхон», «Авазхон» каби болажонларни мардликка, ботирликка чорлайдиган халқ достонларини нашрдан чиқариб туҳфа этиш ниятидамиз. 2002 йил иш режасига киритилган китобларимиз асосан болаларимизнинг ҳуқуқий, дунёвий билимларини ошириш учун хизмат қиладиган илмий-маърифий асарлардир. Қудрат Аҳмедовнинг «Коинот мўъжизалари», Шохруҳ Акбаровнинг «Мен ҳуқуқни ўрганаман», Тўлқин Ҳайитнинг «Боболар хазинаси» каби асарлари ёшларнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилади.

Болаларимиз дунёни билишга интиладилар. Шу ўринда биз чоп этган жаҳон адабиётининг дурдона асарлари — Сетон Томпсоннинг «Ёввойи йўрға», Р. Л. Стивенсоннинг «Хазиналар ороли», О. Генрининг «Қизилтанлилар йўлбошчиси», Н.Носовнинг «Билмасвой билан дўстларининг бошидан кечирганлари» каби бадиий адабиётлар ёшларни камолот сари етаклайди.

Хорижий бир фильмда кўргандим: болакайдан ота-онаси туғилган кунида нима совға кутаётганини сўрашса, бир китобни айтиб «у шоҳона совға бўларди» дейди. Шу куни ота-оналар боласига яхши кўрган китобни қидириб, топиб совға қилиш учун, китоб дўконларига қўнғироқ қилиб, ахтаришади. Қарангки, ўша китоб мамлакатнинг нариги бир бурчагидаги дўкондан топилади. Ҳатто полициячилар кўмаклашади. Бу Томпсоннинг «Ёввойи йўрға» китоби эди... Асар асосида фильм яратилган бўлса-да, бола китобни ўқишни, ёстиғининг тагида сақлашни орзу қилади...

■ **Саида САЙХУН**

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

ХОРАЗМЧА «ИЖРО» УСУЛИ

ЁКИ ЎН ЙИЛДА БАЖАРИЛМАГАН ҚАРОР ВА БУ ҚАРОРНИ БАЖАРИШ ҲАҚИДА ЯНГИ ҚАРОР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси сув ресурслари бўлими бошлиғи Юрий Мадаминовдан ҳол сўрасангиз, фиғони фалакка чиқади. Бу борада гапираверириб чарчаганини айтиб, олдингизга семизгина папкани қўяди. «Ҳамма жавобни шу ердан топасиз!»

Папкада қўмита томонидан қиркдан ортиқ манзилга жўнатилган хатлар рўйхати, шу борада қўмита ҳайъати (икки марта!) ўтказган йиғилиш баённомалари, прокурор амрномаларини, вилоят ҳокимлигига қарор учун тайёрланган лойиҳаларни кўриш мумкин.

«Паспорти тузилмаган, тасдиқланмаган каналлар муҳофаза зоналарида хўжаликлар ўз билгиларича иш тутуми юритишмоқда, — дейди Ю.Мадаминов. — Уларни жавобгарликка тортиш, сув софлигини сақлаш учун чора кўрайлик десак, бизда ҳуқуқий мақом йўқ. Ҳатто ҳайъат йиғилиши қарори билан «Упрадик» бошқармаси бошлиғи А.Қаландаровга жарима чорасини ҳам қўлладик. Натижа эса...»

2000 йил 4 февраль вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳайъати ҳукумат қарори ижросини кўриб чиққан. Ҳайъат қарорида айтилишича, бошқарма тасарруфидаги сув сарфи эллик куб метр секунддан катта бўлган тўртта магистрал каналлар қирғоғи бўйи минтақаси ва муҳофаза зоналари лойиҳаларини тайёрлашда сусткашликлар бор. Ҳатто 1992 йилда шартнома асосида маблағ ажратиб лойиҳаларни ҳозирлаш «Ўздаверлойиҳа» институти Хоразм бўлимига топширилган экан. Ижро эса...

Агарда ҳайъат йиғилиши қарорини ўқисангиз ҳукумат қарорининг ижросида ниҳоят ўзгариш бўлар экан, деб умид қиласиз. Чунки, ҳайъат қарорида «Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тасарруфидаги тўртта каналнинг ва ўнта коллекторнинг сувни муҳофаза қилиш зоналари лойиҳаларини бир ой муддат ичида вилоят ҳокими тасдиғидан ўтказишни охирига етказиш» топширилган. Орадан яна икки йил ўтдики, қарор қарорлигича қолди — мазкур лойиҳалар тайёрландимиийўқми бу номаълум, аммо табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тасдиғига келганича йўқ.

Ёки шу қарорда Амударё қирғоқ ҳимоя дамбалари ва туманлараро каналлар бошқармаси бошлиғи Қ.Сафоевга «Бошқарма ўз кучи билан «Урганч-Арна» каналининг муҳофаза минтақаси паспортини тузишни 2000 йил биринчи чорагида амалга ошириш» топширилган.

Ва яна «Ўздаверлойиҳа» институти вилоят бўлими бошлиғи И.Отажоновга 2000 йил март ойида лойиҳаларни тайёрлаб, ҳоким тасдиғидан ўтказиш вазифаси юклатилган. Яъни, қарорда муҳим тадбирлар белгиланган, масъул раҳбарларга кўрсатмалар топширилган. Муддат бор, тадбир бор. Иш йўқ, холос.

Биз ҳозирда вилоятдаги сув каналлари, коллекторлар ҳақида сўз юритаяпмиз. Аслида мазкур «Низом»да Амударёнинг муҳофаза зонасини белгилаш, паспортларини яратиш ҳақида ҳам гап бор. Амударёнинг вилоятда юз километрлик қирғоғи бор. Аммо, шу кунгача дарёнинг муҳофаза зонасини тайинли ҳолатга келтириш масаласи ҳам ҳал қилинмасдан турибди. Дарё қирғоғидаги хўжаликлар бу майдонлардан ўз билганларича фойдаланмоқдалар.

— Дарё қирғоғидаги 300 метрлик зона аввал вилоят ўрмон хўжалиги ихтиёрида эди, — дейди Ю.Мадаминов. — Дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш, зонада дов-дарахтлар экиб, табиий муҳитни яхшилаш, воҳа ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш имкони яралганди. 1992 йил вилоят ҳокимлиги бир қарор билан мазкур ерларни ўрмон хўжалигидан олиб хўжаликлар ихтиёрига берди. Энди барпо бўлаётган ўрмонлар йўқ қилинди, бунинг устига ана шу майдонларда шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экиш авжига чиқди. Табиийки, шоли экилгач, даланинг оқова сувлари кўпинча дарёга оқизилади. Бу сув таркибида эса ҳар нарса бор. Натижаси нима бўлаётганини айтишга ҳожат йўқ...»

Ҳукумат қарори ижроси якинда Олий Мажлис қўмитасида кўриб чиқилди ва 2002-2003 йилларда бу жараённи ниҳоясига етказиш борасида яна тадбирлар белгиланди. Ниҳоят, табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидагилар енгил нафас олгандек бўлдилар. Аммо, бир савол кишини ташвишга солади. Илгари турли доираларда қабул қилиниб, ўн йилдан бери бажарилмай келинган ишлар бир йилда бажарилармикин? Ёки бу қарорни бажариш учун яна бир янги қарор керак бўлармикин?

■ **Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

ҚАРЗ УЗИЛИБ, ФОЙДА ЁНГА ҚОЛЯПТИМИ?

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда банк ва кредитлаштиришга оид қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари хусусида жиддий фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 февралда бўлиб ўтган мажлисида Президентимиз «Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш — бош йўлимиз» деб номланган нутқида тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга банк хизматларини кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш, молиявий ресурсларни тежаш, кредитлаштириш жараёнини такомиллаштириш масаласига алоҳида урғу берган эдилар.

Конференцияда сўзга чиққанлар иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли кафолатини таъминлаш масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар билдиришди.

— Маълумотларга кўра, — деди республика бош прокуратураси Умумий назорат бошқармаси катта прокурори Искандар Тўраев, — жорий йилнинг 1 январь ҳолатига республика бўйича 31 миллиард 945,4 миллион сўмлик кредитлар ундирилмаган.

Миллий банкнинг Андижон вилояти Кўрғонтепа бўлимида 1997-2001 йиллар давомида 23 та хусусий фирма ва кичик корхоналарга берилган кредитларнинг 82,4 миллион сўми ва унга ҳисобланган фоизларнинг 17,8 миллион сўмининг қайтарилиш муддати ўтиб кетган бўлса-да, суд органларига даъво қўзғатиш, гаровга қўйилган мол-мулкни хатлаш каби чоралар кўрилмаган. Оқибатда, ушбу ҳолат юзасидан мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатишга тўғри келди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит олиш ҳақидаги аризалари ҳал этилишида ҳам бир қатор банк идоралари томонидан «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ҳамда Марказий банкнинг кредитлаш тартибини белгиловчи меъёрий ҳужжатлари талаблари бузилишига йўл қўйилган. Масалан, «Ғалла банк»нинг Учқўрғон филиали томонидан тадбиркорлар Н.Собиров ва Ж. Зайниевларнинг кредит аризалари 11 ой, ушбу банкнинг Чироқчи тумани бўлими томонидан «Эргаш ота» фермер хўжалигининг мурожаати 5 ойдан сўнг рўйхатга олинган.

«Саноатқурилишбанк»нинг «Шарғун» филиали томонидан «Шифо» хусусий дорихонасининг мурожаати умуман рўйхатга олинмасдан эътиборсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси бошқарма бошлиғи Ғофур Самадов айни кезда тадбиркорларнинг мамлакат ички ялпи маҳсулотидаги улуши 24,5 фоизни ташкил этаётганлигига тўхталиб, мувафақиятлар билан бирга қатор муаммолар ҳам мавжудлигини айтди.

— Кўпчилик ҳолларда тадбиркорлар технологиялар ва ускуналар бозорлари ҳақида етарлича маълумотларга эга бўлмаганлиги туфайли сифатсиз ёки талабга жавоб бермайдиган ускуналарни сотиб олишга сабаб бўлмоқда, деди у. — Масалан, «Ражаб-Момо» ФХ (Қашқадарё вилояти) Германиянинг «Тиссен Хандель Берлин ГмбХ» фирмасидан меваларни қуритишга мослашган мини-завод сотиб олган. Лекин келтирилган ускуна шартнома талабларига жавоб бермаган. Ушбу ускунанинг нархи 40 минг АҚШ доллари бўлган, олинган кредит маблағи эса 288,8 минг Еврони ташкил этган.

Конференцияда кредитлаштириш жараёнида иштирокчиларнинг масъулиятини ошириш борасида ҳам сўз борди. Дарвоқе, ўтган йили Олий хўжалик судида кўрилган 705 та низоли ишнинг 600 дан ошиғи бевосита кредит шартномалари билан боғлиқ бўлган.

Берилган кредитларнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш ҳам муҳим. Афсуски, баъзи жойларда бу вазифага енгил-елпи қаралиб, олинган маблағларнинг мижозлар томонидан ўзлаштириб юборилишига — йўл қўйилмоқда. «Пахта банк»нинг Чиноз тумани бўлимидан 44 миллион сўм кредит олган «ЮСП» фермер хўжалиги, Каттақўрғон шаҳар бўлимидан 3 миллион сўм олган «Дилшод ИАК» хусусий фирмаси, «Савдогарбанк»нинг Хўжайли тумани бўлимидан 1,5 миллион сўм олган «Гулбаҳор и К» хусусий фирмаси, Самарқанд бўлимидан 5 миллион сўм олган «Сватком» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси, «Заминбанк»нинг Самарқанд бўлимидан 8,5 миллион сўм олган «Зарина-М» хусусий фирмаси, «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Хоразм вилояти филиалидан 10 миллион сўм кредит олган «Бахтигул» хусусий фирмасига берилган кредитлар ўз вақтида қайтармаганлиги, қолаверса, бу кредит маблағлари турли йўллар билан ўзлаштирилганлиги бунга мисолдир. Анжуманда бундай ҳолатлар учун жавобгарлик масалалари муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирларни қўллаш белгилаб олинди.

Шунингдек, анжуманда республикамизда фаолият юритаётган банк муассасалари, вазирлик ва давлат қўмиталари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимлар томонидан банк ва тадбиркорлар ўртасидаги молиявий муносабатларда пайдо бўладиган турли муаммо ва тўсиқларни бартараф этишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН — АВТОМОБИЛСОЗЛИК ВАТАНИ

«МАТИЗ» — ҒОЯТДА РАВОН ЮРАДИ

«Ўзбекистон овози»нинг 26 март сонида «Ўзавтотеххизмат» акциядорлик бирлашмаси бошқарувининг раиси Ю. Асилов «Матиз» автомобилининг техник хусусиятлари ҳақида ҳикоя қилиб берган эди. Бундан буён ҳам автомобилсозлик соҳасининг мутасаддилари ва автоҳаваскорларнинг «Матиз» автомобили тўғрисидаги фикрларини эълон қилиб борамиз. Бу сафар «Ўзавтосаноат» уюшмаси бошқаруви раисининг муовини Аҳмаджон Ҳақулов «Матиз» автомобилини ишлаб чиқараётган ва унга лозим бўлган эҳтиёт қисмларни тайёрлаб бераётган қатор қўшма корхоналарнинг фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

— Аҳмаджон Маҳмудович, мустақиллик шарофати билан эришилган катта ютуқларимиздан бири шубҳасиз мамлакатимизда автомобиль саноатининг ташкил топишидир. Бу соҳада эришилаётган ютуқлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Дарҳақиқат, мамлакатимиз МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб, бундай юқори технологияли саноатга эга бўлди.

1996 йил июль ойида ишга туширилган «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг бош конвейеридан шу кунга қадар 280 мингдан зиёд ўзбек автомобиллари туширилди. Кўплаб автомобиллар хорижга экспорт қилинди.

Ўтган қисқа давр ичида қўлга киритган яна бир ютуғимиз — янги русумли «Матиз» автомобили ишлаб чиқаришни йўлга қўйганимиз бўлди.

— Дарвоқе, «Матиз» ҳақида. Айтинг-чи, шу турдаги автомобиллар яна қайси мамлакатларда ишлаб чиқарилади?

— Маълумки, ДЭУ компанияси дунёнинг кўпгина мамлакатларида «ЎзДЭУавто» каби қўшма корхоналарига эга. «Матиз» русумли автомобилларнинг салмоқли қисми Жанубий Кореянинг ўзида, қолганлари Ҳиндистон, Польша, Руминия, Эрон ва Покистонда ишлаб чиқарилади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бу мамлакатларда ҳамон «Матиз» автомобилларининг дастлабки модели, лекин Жанубий Корея ва Ўзбекистонда ташқи ҳамда ички дизайни такомиллаштирилган «Матиз-II» модели ишлаб чиқарилаётир.

— «Нексия», «Тико» ва «Дамас» автомобилларининг кўпгина бутловчи қисмлари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмоқда. Янги «Матиз» автомобилининг бутловчи қисмларини ҳам ўзимизда ишлаб чиқариш кўзда тутилганми?

— Ўзга мамлакатлардан фарқли ўлароқ, дастлабки кунлардан бошлаб бутловчи қисмларни маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш режалаштирилган. Асакадаги автомобиль заводининг қурилиши бошланган кезлардаёқ ўриндиқлар, бамперлар, ёнилғи баклари, лакбўёқ, ўт ўчириш мосламаси, ички жиҳозлар ва шунга ўхшаш қисмларни тайёрлаб чиқарувчи янги қўшма корхоналар ташкил этиш ҳам бошлаб юборилган эди. Кейинги йилларда ғилдиракнинг пўлат дисклари, штампланган кузов қисмлари ва автомобилнинг бошқа бутловчиларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирги пайтда аккумуляторлар, автомобиль ойналари ва электр сим ўрамларини тайёрловчи корхоналар қурилиши ҳам ниҳояланиш арафасида. Бу корхоналарнинг барчасида янги «Матиз» автомобили учун ҳам бутловчи қисмлар муҳайё этилади.

— Кўпчилик автоҳаваскорларимиз «Матиз»ни «Тико» автомобили билан таққослашади. Айтинг-чи, бу автомобилларнинг ўхшашлик ва фарқли жиҳати нимада?

— Ўхшашлик томони бир тоифага мансублигида. Двигателининг иш ҳажмига кўра иккала автомобиль ҳам бежирим автомобиллар сирасига киради. Фарқи эса жуда катта. Аввало кузови кенг, баланд ва ташқи дизайни билан «Матиз» анча афзал туради. Яна бир асосий фарқи — ғилдиракларининг ўлчамида — «Тико»га ўрнатилган 12 дюмли (халқаро ўлчов бирлиги) ғилдирак ўрнига «Нексия»ники билан тенг 13 дюмли ғилдирак ўрнатилганлиги йўл сиртидаги баъзи ноқулайликларни юмшатади. Ва ниҳоят, кичик ҳажмли автомобилларда камдан-кам қўлланадиган рул механизмидаги гидравлик кучайтиргичдир. Бундай кучайтиргич автомобиль бошқарувини анча осонлаштириб, тор ва ноқулай йўлларда ҳам ҳаракатни равонлаштиради.

■ Суҳбатни Абдулла ПЎЛАТОВ ёзиб олди

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

ТАДБИРКОРГА МАДАДКОР

«ПАХТА БАНК» АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИНИНГ МИЖОЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТАЖРИБАСИ ҲАҚИДА

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган йиғилишида сўзлаган нутқида шундай деган эди:

— «Кичик ва ўрта бизнеснинг, фермер хўжаликларининг қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий асослари анча мустаҳкамланди ва такомиллаштирилди... Имтиёзли ва микрокредитлар бериш ҳамда бошланғич капитални шакллантириш учун маблағ ажратиш йўли билан кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш микёслари кенгайтирилди».

Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат «Пахта банк» Андижон вилоят бошқармаси фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади.

2001 йил давомида якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон-фермер хўжаликлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳисобидан жами 806 та янги ишчи ўринлари яратилган. Шундан 656 та ишчи ўрни ўз маблағи ҳисобидан, 61 таси «Бизнес фонд» маблағи ҳисобидан, 12 таси деҳқон-фермер хўжаликлари маблағлари ҳисобидан, 77 таси бандлик жамғармалари ҳисобидандир. Ушбу кредитлар ҳисобидан 735 та ишчи ўринлари қишлоқ жойларидаги юқори инновацион лойиҳаларни кредитлаш натижасида ташкил қилинди.

«Пахта банк» шаҳар ва туман бўлимлари томонидан 2001 йил давомида 648 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига жами 1 млрд. 846 млн. сўмлик кредит берилган.

Тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратиш учун «Махсус жамғарма»га 197 млн. сўм ажратилди. Натижада 95 та кичик ва ўрта бизнес субъектларининг юқори инновацион лойиҳалари молиялаштирилди. Ўтган йил мобайнида жамғарма ҳисобидан 192 млн. сўм кредит берилган бўлиб, унинг 66 млн. сўми банкка қайтарилди.

«Пахта банк» туман бўлимлари томонидан йил давомида барча молиявий манбалар ҳисобидан 96 та хўжалик субъектларига 166 млн. 180 минг сўмлик кредитлар берилган. Шундан 44 та якка тартибдаги тадбиркор аёлларга эллик миллион сўмдан зиёд, микрофирма, кичик корхона, ўрта корхона, фермер хўжалиги ёки бошқа кичик ва ўрта бизнесга тааллуқли корхона раҳбари аёл бўлган 34 та хўжалик субъектларига салкам саксон млн. сўм, микрофирма, кичик корхона, ўрта корхона, фермер хўжалиги ёки бошқа кичик ва ўрта бизнесга тааллуқли корхоналар ишчиларининг ярмидан кўпи аёллар бўлган ўн саккизта хўжалик субъектларига қирқ млн. сўмликка яқин кредитлар берилган.

— 2000 йилда «Пахта банк»нинг Улуғнор туман бўлимига ёрдам сўраб мурожаат қилган эдим, — дейди «Мамажонбува» фермер хўжалиги раҳбари Маҳмуджон Мирзакаримов. — Банк ходимлари айниқса, етакчи мутахассислар бизнес режамизнинг асосий қоидаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашишди. Ана шундан сўнг уч йил муддатга йиллик ўттиз фоиз устама тўлаш шарти билан «Максум — 135» трактори сотиб олиш учун 12 миллион сўм кредит олдик.

Йиллик кўрсаткичларни солиштириб кўрадиган бўлсак, эришилган натижа яққол кўзга ташланади. Масалан, фермер хўжалигимиз бўйича бундан уч йил аввал 357 минг сўм соф даромад олинган эди. Ўтган йил якуни бўйича эса ундан қарийб етти баравардан зиёд соф фойда олинди.

Марҳамат туманидаги «Эркинлик» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Мўътабар Қаҳҳорова ҳам банк хизматидан миннатдор. У банкдан олган кредит эвазига 14 бош зотли қорамол сотиб олган эди. Ўтган йилнинг ўзида 334 минг сўм соф фойда кўрди.

— Бугун ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўтказилаётган иқтисодий ўзгаришлар ўз тараққиётининг янги босқичига кирди, — дейди «Пахта Банк» Андижон вилоят бошқармаси раҳбари Тўланбой Раҳимов. — Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидаги янгиланишлар муносабати билан молиявий тузилмалар ва энг аввало, мамлакатимиз машина-трактор паркларини жаҳон андозалари даражасида таъминлаш учун инвестиция маблағлари ажратаётган молия институтлари олдига катта вазифалар қўйилмоқда.

Ўтган йилнинг ўзида салкам тўқсон миллион сўмлик лизинг шартномалари амалга оширилди. Бунинг самарасини дастлабки натижалар кўрсатиб турибди. «Довуд» шўъба корхонаси Асака туманидаги Бобур номли ширкат хўжалиги қошида ўтган йили қишда ташкил этилган эди. Унинг раҳбари Ихтиёр Баратов ҳақиқий ишбилармон йигит экан. «Пахта банк» Асака туман бўлими шуни ҳисобга олган ҳолда «Довуд» шўъба корхонасига Германияда ишлаб чиқарилган энг замонавий 45 миллион сўмлик «Доминатор мега-204» буғдой ўриш комбайнини беш йил муддатга йиллик 25% ҳақ тўлови асосида лизинг шартномасига биноан сотиб олиб берди. Бу комбайн Бобур номли ва «Шарқ ҳақиқати» ширкат хўжаликларида ғалла ўриш мавсумида ишлатилди. «Доминатор мега-204» комбайни механизатор учун ҳам, ғалла ўриш учун ҳам қулай. Донни эса сифатли тозалаб беради.

Ўтган мавсумда «Довуд» қўшма корхонаси Бобур номли хўжаликнинг беш юз, «Шарқ ҳақиқати» ширкат хўжалигининг 485 гектар ғаллазорида ҳосилни йиғиб олиш ишларига ёрдам берди.

Бошоқли дон ўримида қарийб йигирма беш миллион сўмлик иш бажарилди. Банкка эса бир йилда салкам ўн тўрт миллион сўм маблағ қайтарилди. Устига-устак тўрт миллион сўмдан зиёд соф фойда ҳам олинди. Ушбу натижадан қониқиш ҳосил қилган шўъба корхонаси бу йил яна тўртта комбайн сотиб олишни мўлжаллаган.

«Пахта банк» туман бўлимлари томонидан йил давомида деҳқон-фермер хўжаликларига саксон беш миллион сўмлик кредит берилди. Бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан ўн бешта деҳқон ва фермер хўжаликларига йигирма миллион сўм, 38 та деҳқон-фермер хўжаликларига 66 млн. 700 минг сўм ўз маблағлари ҳисобидан берилган.

Акциядорлик тижорат «Пахта банк» томонидан икки йил мобайнида «Навниҳол», «Нафақа», «Ҳосил», «Болалар келажагимиз», «Фаровонлик», «Пахтакор», «Оқ олтин», «Аср совғаси», «Истиқлолинг муборак», «Муқаддас замин» омонат турлари жорий этилиб, уларга аҳолининг кўплаб маблағлари жалб этилди.

Яқинда «Қариялар қадр-қиммати» омонат тури ҳам жорий этилди. Унинг афзаллиги шундаки, омонатга маблағ қўяётган шахслар асосан нафақахўрлар бўлиб, бу оймаой олинаётган нафақани жамғариб бориш имконини беради ва бир вақтнинг ўзида яхшигина даромад ҳам келтиради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида акциядорлик-тижорат «Пахта банк» томонидан банк депозит сертификатлари муомалага чиқарилди. Вилоятдаги «Пахта банк» бўлимларида ҳозирги кунга келиб муомалага чиқарилган 3 ва 6 ойлик муддатга салкам йигирма уч миллион сўмлик депозит сертификатлари сотилди.

Жами депозит базасида аҳоли омонатларининг улуши 24 фоизга етди.

«Пахта банк» Андижон вилоят бошқармаси шаҳар ва туман бўлимлари ходимлари кичик ва ўрта тадбиркорлик ссҳасида фаолият кўрсатувчи мижозларни қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш борасидаги янги режалар устида изланмоқда.

■ Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари

ХОРИЖДА

НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ

«Новости» ахборот маҳкамасининг тарқатган хабарларига кўра, Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов 3-4 апрель кунлари расмий ташриф билан Марокко ва Тунисда бўлади. Хабарда айтилишича, ушбу учрашув икки давлат ташқи ишлар вазирларининг Россияга бўлган ташрифига жавобан уюштирилмоқда.

ТИББИЙ УСУЛ БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРИЛДИ

АҚШнинг Гуантанамо ҳарбий базасида очлик намойиши давом этмоқда, дея хабар қилади Reuters агентлиги. Кеча икки нафар асир тиббий усулда ошқозон трубкаси орқали озиқлантирилган. Ҳарбий база маъмуриятининг таъкидлашича, ахвол шу тарзда давом этаверса, намойишчиларнинг барчасига шу усул қўлланилиши мумкин.

ЯНА ЗИЛЗИЛА

Афғонистонда зилзиладан жабр кўрганларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатилаётган бир пайтда Ер курраснинг иккинчи бир нуқтасида яна шундай табиий офат юз берди. Тайбейда ўтган якшанба куни маҳаллий вақт билан, соат 14 дан 52 минут ўтганда кучли зилзила содир бўлди. Миллий метеорологик бошқармаси маълумотларига кўра, силкиниш маркази Тайбей шарқидаги оролда бўлиб, Рихтер шкаласи бўйича 6.8 баллни ташкил этган. АҚШ сейсмологлари эса силкинишни 7, 1 балл, дея баҳолашмоқда.

Сўнгги маълумотларга кўра, табиий офат оқибатида 5 киши қурбон бўлган, 300 га яқин киши турли даражада тан жароҳати олган. Ер силкиниши пойтахт Тайбейда кучли бўлган. Бир неча кўп қаватли иморатлар қулаб тушган.

Ҳукумат аҳолини тинчлантириш чора-тадбирларини кўрмоқда. Харобаларда қутқарув ишлари олиб борилмоқда.

Тайбейда кучсиз ер силкинишлари бўлиб туриши одатий ҳол. Аммо, бу галгиси анча кучли бўлди. Мамлакатда, бундай ер силкиниши охирги марта 1999 йил сентябрида кузатилган. Ушанда 2 мингдан ортиқ киши қурбон бўлганди.

ЗОҲИРШОҲ ВАТАНИГА ҚАЧОН ҚАЙТАДИ?

Сўнгги пайтларда Афғонистоннинг собиқ подшоҳи Муҳаммад Зоҳиршоҳ ватанига қайтиши ҳақида кўп гапирилмоқда.

Зоҳиршоҳ Наврўз байрамини Афғонистон заминида қарши олади, деган гаплар тарқалганди. Кейинроқ эса, бу муддат март ойи охиригача чўзилди. Ҳатто, қайтиш куни 26 март, деган аниқлик ҳам киритилди. Бироқ, сўнгги хабарларга қараганда, АҚШ маслаҳати билан Зоҳиршоҳнинг Афғонистонга қайтиши яна икки-уч ҳафтага кечиктирилибди. Бунга унинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар сабаб қилиб кўрсатилмоқди. Бу орада АҚШ ҳарбийлари подшоҳлик гвардиясини ташкил этишга улгуриши керак экан. Шу муносабат билан Оқ уй маъмурияти Италия ҳукуматидан ушбу мамлакатда 29 йилдан буён қувғинда яшаётган собиқ подшоҳнинг ватанига қайтишини бироз орқага суришни сўраган.

Зоҳиршоҳнинг ўзи ҳам АҚШнинг режаларига қарши эмас.

ШОШИЛИНГ!!!

«ЎзДЭУавто» компанияси

ОМАД ВА ҚУВОНЧ КЕЛТИРУВЧИ ЮТУҚ — битта автомобиль пулига

ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ

бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!

ЎЙИН ШАРТЛАРИ:

- ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;
- автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;
- ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;
- ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.

ШОШИЛИНГ!

7 мартдан бошлаб ўйинда иштирок этадиган 2500 автомобиль сотилмоқда!

Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади.

Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида чоп этилади!

Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

МАЪЛУМОТ УЧУН КОМПАНИЯНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 67-97-74, 67-33-65

ҲАМКАСБЛАР

ҚАЛАМКАШЛИК ҚАДИМИЙ КАСБ

Яхши инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган Тўхтамурод Тошев «Адолат» газетасининг янги сони устида яна жиддий бош қотириб ўтиргандан бир маънони англайман: газета — кўнгил мулки. Ундан ўзгаларни бахраманд айламоқ учун кўп меҳнат қилиш, ранг-баранг ва бетакрор материалларни зукко ўқувчилар қалбига етказа билиш лозим. Бугунги кун газетхонлари эса оддий ўқувчилар эмас, ҳаётнинг синчков кузатувчиларидир. Уларда матбуот нашрига нисбатан қизиқиш уйғотиш учун масаланинг моҳиятига чуқурроқ кириб бориш, ўзгалардан кўра дадил фикрларни айтиш ва албатта, ҳаётнинг майда-чуйда муаммоларига ўралашиб қолмаслик керак. Тўхтамурод Тошев имзоси билан чиққан суд очерклари, фельетонлар ва публицистик мақолалар кўпчиликни ҳаяжонга солган, ҳаётдан жиддий хулосалар чиқариб олишга туртки бўлган. Яна ҳам ойдинлаштирадиган бўлсак, Ўзбекистонда ҳуқуқий мавзуда ёзадиган саноқли журналистларнинг бири. «Адолат»ни газета қилишнинг ўзи бўлгани йўқ. 1995 йил 22 февралда дунёга келган янги газетанинг ҳаётдан ўзининг муносиб ўрнини топиши учун кўп меҳнат қилишга тўғри келди. «Адолат» сонма-сон шаклланиб, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий газетага айланди. Ўтган етти йил ичида унинг 349 соҳи газетхонлар қўлига етиб борди. Агар газета тахламини варақласангиз, бирбиридан қизиқарли, дилтортар материаллар эътиборингизни чулғайди. Жамоанинг ютуғи нимада? Ҳар бир мақола ва суратни ўрнига қўйиб ёритиш орқали кўпчиликка ўзининг сўзини етказа билишида. Бош муҳаррир эринмасдан ҳар бир саҳифа устида жиддий ишлайди. Шунинг учунми кўпчилик «Адолат»нинг саҳифаланишига тан беришади. Бош муҳаррирдаги профессионал маҳорат, ўткир истеъдод ва ўз навбатида ҳаммага бир хил муносабатда бўлишдек олижаноб фазилат кўпчиликка ибрат бўларлидир. Ноҳақликка учраб, ҳақ-ҳуқуқлари паймол этилган, охири газетага келишдан ўзга чораси қолмаган юртдошларимизнинг «Адолат»нинг беминнат кўмаги боис юзлари ёруғ бўлиб, ишлари бароридан келаётганлигидан қувонасан киши. Устоз журналист билан «Тошкент оқшоми», «Ўзбекистон овози» газеталарида бирга ишлаганмиз. Ўшандан бери қанча сувлар оқиб кетди. Ижоди юксалиб, парвозларга эришди. «Ўзбекистон олтини», «Хиёнат», «Эл ўғлони» сингари китобларнинг муаллифи бўлди. Қатор шогирдларни тарбиялади. Энг муҳими, у ижодкор меҳнатининг ютуғини бир қарашдаёқ ҳис эта олади. Бу ютуқни юзага чиқаришдан ёрдамини аямайди.

Таниқли журналист Тўхтамурод Тошев тўғрисида бугун кўп ва хўб гапириш мумкин. Чунки у ҳалол меҳнати, қизғин ижодий фаолияти билан юртимизни тараннум этиб, истиқболи порлоқ Ватанимизнинг бундан-да гуллаб-яшнаши учун ўз қалами билан сидқидил хизмат қилмоқда. Устоз билан суҳбатлашиб қолсангиз бир гапни алоҳида эътироф этади:

— Аллоҳ таоло биринчи бўлиб қаламни яратган экан. У билан бутун ўн саккиз минг оламнинг шаклу шамойилини чизибди. Шунинг учун ҳам қаламкашлик энг қадимий касб саналади...

Моҳир журналист Тўхтамурод Тошев янги-янги ижодий режалар устида изланмоқда.

Журналистнинг бахти ҳам аслида шу-да!

■ Рустам АҲМАДАЛИЕВ

SPORT

«ҚИЗИЛҚУМ»ГА БАС КЕЛАДИГАН БОРМИ?

Ўтган шанба куни футбол бўйича олий лига жамоалари 3-тур учрашувларини ўтказдилар. Чемпионат жадвалида олтитадан очко тўплаб, пешқадамлар қаторида бораётган «Самарқанд-Д» —«Пахтакор» жамоалари ўртасидаги ўйин барчанинг диққат марказида бўлди.

Учрашувда самарқандликларнинг олдинги турда «Трактор» (Тошкент) жамоаси устидан қозонган ғалабаси (1:0) тасодиф эмаслиги ўз исботини топди. Мезбонларнинг катта қаршилигига дуч келган пахтакорчилар 30-дақиқада 11 метрлик жарима тўпини хато бажаришди. Шиддатли ўтган баҳсни ўйингохда кузатганлар учрашувда ҳисоб очилмаса керак, дея тахмин қилгандилар. Аммо ўйин тугашига саноқли дақиқалар қолганда, меҳмонларнинг тиниб-тинчимас ҳужумчиси Александир Гейнрих томонидан киритилган тўп «Пахтакор»га ғалаба келтирди. «Дўстлик» — «Қизилқум» учрашуви ҳам меҳмонларнинг тўла устунлигида ўтиб, пойтахт вилояти вакилларининг йирик 0:4 ҳисобидаги мағлубияти билан якунланди. Бу эса мавсумни ғалаба билан бошлаган зарафшонликларнинг чемпионат совриндорлигига асосий даъвогарлардан бири эканлигини кўрсатди. Турнинг кутилмаган натижаси «Сурхон» — «Нефтчи» учрашувида қайд этилди. Мамлакат чемпиони — фарғоналиклар Термизда дурангга рози бўлишди — 0:0.

Қолган ўйинлар натижалари қуйидагича: «Бухоро» — «Трактор» — 1:1, «Сўғдиёна» — «Машъал» — 0:0, «Зарафшон» — «Навбаҳор» — 4:2, «Қўқон-1912» — «Андижон» — 1:1.

■ Эркин ХОЛБОБО

САФИН ЮТҚАЗИБ, СИНГЛИСИ ЮТДИ

Россиялик машҳур теннисчи Марат Сафин «Nasdaq-100» очиқ турнирида австралиялик Ллейтон Хьюитга 6:2, 2:6, 6:7 ҳисобида ютқазиб, ярим финалга чиқолмай қолди. «Бу сафар рақибим корт бўйлаб ниҳоятда чаққон ҳаракат қилди, — дейди Марат. — Уни ютиш учун тўпни аниқ оширишим лозим эди. Нима учундир бу гал омадим чопмади». Қизиғи шундаки, Маратнинг синглиси Динара Римда Аф-Ти-Эф туркумидаги нуфузли турнирда қатнашиб, ярим финалга чиқди. У португалиялик Федерика Пьедадни 6:3, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Динара финалга чиқиши учун энди испан Марта Фрага билан майдонга тушади.

УСТОЗГА ХОС ҚАРАШЛАР

Буюк Британия терма жамоасининг устози Свен-Еран Эрикссон ўзига хос мулоҳаза билдирди. Унинг фикрича, «Манчестер» билан «Ливерпуль» футбол жамоаларининг чемпионлар лигаси баҳсидан тезроқ кетгани маъқул экан. Гап шундаки, ҳозир мураббий асосан Англия футболчиларини жаҳон чемпионатига пухта ҳозирлаш ҳақида қайғурмоқда. Терма жамоа ўйинчилари ўзагини эса «Манчестер» ва «Ливерпуль» ўйинчилари ташкил этади. Чемпионлар лигаси баҳсларида иштирок этмаслик моҳир футболчиларни чалғитмай терма жамоага куч беришига имкон яратади.

ТАЙСОННИ КЎРАМАН ДЕБ

Америкада бўлажак қизиқарли бокс жангига чипталар сотиш бошлаб юборилди. Боиси, оғир вазнли Ленокс Льюис билан Майк Тайсон учрашувига қизиқувчилар бениҳоя кўпайиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бу жанг шу пайтгача ўтказилган барча учрашувларга нисбатан «қимматроқ» бўлиши



мумкин экан. Мухлислар эса кам деганда чиптани 400 долларга олишига тўғри келади. Албатта, энг арзон чипта 200 доллар қилиб белгиланган бўлса-да, ташкилотчилар бундай нархдаги чипталарни сотувга чиқармоқчи эмаслар. Чипталар баҳоси эса 750, 1200 ҳатто 2000 долларга етиши мумкин. Ташкилотчилар фикрича, ҳар бир боксчига аталган мукофот 12,5 миллион доллар деб белгиланган, лекин уни мусобақа бошлангунга қадар 17,5 миллион долларга кўпайтириш мумкин экан. Мемфис шаҳридаги, The Pyramid спорт саройида ўтказиладиган бокс жангини шу йилнинг 8 июнь куни ташкиллаштириш мўлжалланмоқда.

«RAUPXON» очиқ акциядорлик жамиятига тегишли «ЗИЛ-130» русумли, давлат рақами 10 AN 802 автотранспорт воситасининг № 0287857 сонли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«БУХОРО ЁҒ»

АЖ 2002 йил 19 апрель соат 15.00 да акциядорларни йиллик йиғилишга таклиф этади. Рўйхатдан ўтказиш соат 14.00 да бошланади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2002 йил 19 март ҳолатига кўра тузилади.

УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ КУН ТАРТИБИ

1. *2001 йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботлар ва баланси тасдиқлаш.*
2. *Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва аудиторлик текшириш хулосасини тасдиқлаш.*
3. *АЖ Кузатув кенгашининг берган таклифига асосан 2001 йил учун дивиденд тўловлари миқдорини тасдиқлаш.*
4. *Ҳар хил масалалар.*

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик кўриш даврида акциядорлар умумий йиғилишнинг қуйидаги материаллари билан танишишлари мумкин:

1. *Молиявий ҳисоботлар.*
2. *Аудиторлик текшириш хулосаси.*

Ёнингизда паспорт ёки шахсни тасдиқловчи гувоҳнома бўлиши сўралади.

Манзилимиз: Бухоро шаҳри, Низомий кўчаси, 6-уй.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

«БУХОРО ЁҒ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 2002 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИДАГИ БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ.

Минг сўм ҳисобида.

АКТИВ	
1. Узоқ муддатли активлар	
Бошланғич қиймат	161892/382303
Эскириш	37206/150943
Қолдиқ қиймат	—
Капитал қўйилмалар	859
Уюшма корхоналарига берилган қарзлар	37500
1. Бўлим бўйича жами:	189932/296606
Оборот активлари:	
Ишлаб чиқариш заҳиралари	195061
Тўланмаган ишлаб чиқариш	3674
Тайёр маҳсулот	37109
Олиб сотиладиган товарлар	13579
Пул маблағлари	54637
Валюта маблағлари	—
Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб	1.40336
Бўнак (аванс тўловлари)	96176
Бюджет билан ҳисоблашишлар	—
Ходимлар билан ҳисоблашишлар	—
Уюшма корхоналари билан ҳисоблашишлар	—
Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар	15515
Бошқа дебиторлар	—
2. Бўлим бўйича жами:	560517
Баланс активи бўйича жами:	750449/857123
ПАССИВ	
Ўзлик маблағларнинг манбалари:	
Устав капитали	72200
Резерв капитали	7500/114174
Тақсимланмаган фойда	305075
Мақсадли тушум ва фондлар	—
Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар	2771
1. Бўлим бўйича жами:	387545/494220
Мажбуриятлар:	
Қисқа муддатли қарзлар	
Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	128744/115604
Кредиторлар:	
Мол етказиб берувчилар	58697
Бюджет бўйича қарзлар	156632
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	4333
Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар	14203
Уюшма корхоналарига қарзлар	10185
Бошқа кредиторлар	3249
2. Бўлим бўйича жами:	362903
Балансниг пассиви бўйича жами:	750449/857123

Баланс кўрсаткичлари АКС «ПРОГРЕСС-АУДИТ» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган. Лицензия Ўз.Р Молия вазирлиги № 00310 5 декабрь 2001 й, гувоҳнома № 351 берилган Ўз.Р. Адлия вазирлиги, 31.07.2001 й.

Тахтапул-нон

«ТАХТАПУЛ-НОН»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2002 ЙИЛ 3 МАЙ КУНИ СОАТ 15.00 ДА «ТАХТАПУЛ-НОН» АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Тахтапул-нон» акциядорлик жамияти раисининг 2001 йил молиявий-хўжалик фаолияти ҳақидаги ҳисоботи
2. Тафтиш комиссиясининг 2001 йил натижалари бўйича ҳисоботи
3. Корхонанинг 2002 йил бизнес-режасини тасдиқлаш
4. Кузатув Кенгашига аъзони тасдиқлаш.

«ТАХТАПУЛ-НОН» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 2002 ЙИЛ 1 ЯНВАРГА БЎЛГАН ЙИЛЛИК ҲИСОБОТИ (минг сўм ҳисобида)

АКТИВ	ПАССИВ
Асосий воситалар (қолдиқ қиймати) — 10913 Шўъба корхоналарига берилган қарзлар — 42 Уюшма корхоналаридаги акциялар — 1101 Узоқ муддатли инвестициялар — 12008 Жами I бўлим — 24064 Ишлаб чиқариш заҳиралари — 13115 Тайёр маҳсулот — 965 Олиб сотиладиган товарлар — 163 Келгуси давр сарфлари — 3317 Пул маблағлари — 6562 Қисқа муддатли қўйилмалар — 63273 Дебиторлар — 3572 Жами II бўлим — 90967 Жами баланснинг активи бўйича — 115031	Устав капитали — 12000 Қўшилган капитал — 256 Резерв капитали — 14602 Тақсимланмаган фойда — 38989 Жами I бўлим — 65842 Узоқ муддатли қарзлар — 20943 Қисқа муддатли кредитлар — 10000 Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар — 9412 Кредиторлар — 8834 Жами II бўлим — 49189 Жами баланснинг пассиви бўйича — 115031

Аудит «Жохар-Севан» аудиторлик фирмаси томонидан ўтказилди (Молия вазирлигининг 2001 йил 15 февралда берилган 00004-рақамли лицензия).

«КОМСАР» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ўз акциядорларига 2001 йил якунларига бағишланган умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ

1. *«Комсар» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг 2001 йил якунлари бўйича корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ва 2002 йилдаги жамият ривожининг асосий йўналишлари тўғрисидаги маърузаси.*
2. *Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бухгалтерлик балансини тасдиқлаш.*
3. *Аудитор текшируви хулосасини тасдиқлаш. 2002 йилга аудиторни тасдиқлаш.*
4. *Фойда ва йиллик дивидендлар миқдорини тақсимлаш бандларини тасдиқлаш.*
5. *Кузатув Кенгаши таркибига аъзоларни сайлаш.*
6. *Турли масалалар.*

Йиғилиш 2002 йил 9 май соат 12.00 да Тошкент вилояти, Чиноз тумани «Пахта» посёлкасида ўтказилади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Sulaymon HAYDAROV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.10

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA